

СОЦИАЛИСТИК жамият тарихан ўсиб, тўхтовсиз ривожланиб бораётган, кишиларнинг маънавий-маданий эҳтиёжлари, юксак руҳий озуқага бўлган талаблари ҳам чексиз ортади. Социалистик турмуш тарзими ўзининг тараққиётида шундай бир юксак босқичга кўтарилдики, бугун совет халқини дунёда энг кўп ўқийдиган, китобга, маданий томошаларга энг ўч ва энг қизиқувчи халқ деб ҳақли суратда атайди. Бунда заррача мулолажа йўқ. Бадий адабиёт, театр, кино санъати, музыка, рассомчилик ва бошқа соҳаларнинг мислсиз равишда бугун худди мана шундан далолат бермоқда.

Совет санъаткорлари яратган энг яхши асарлар партиянинг юксак баҳоси ва таҳсинига сазовор бўлмоқда. Бу асарлар халқимиз томонидан катта қизиқиш билан кўриб олинмоқда. Чет элларда эса улар совет санъатининг чинакам ҳаётовх аъёнларини ишонarli тарзда намойиш қилмоқда. Мана шунлар билан бир қаторда партиянинг мафкура, адабиёт ва санъат соҳаларига кўп қўлларини берувчи муҳим ҳушдорларда ҳам маънавий-маданий соҳаларда қилмайдиган ишлар қолтда кўп ва қўллардор эканлиги алоҳида таъкидланади. Халқ ақлими ва юракимизга ҳеч нарса бермайдиган бўш, куруч, ўртамайна асарлар ҳам ол деб бўлмайди. Партиянинг талаблари ва уларнинг асарларига махрибонларча талабчанлик руҳида бўлиш зарурлигини ўқиради, санъат асарларининг мундарижаси ҳовий жиҳатдан доимо теран ва етук бўлишига диққатин қаратади. Бунда бефарқлик, лоқайдлик фақат зарар келтириши, заиф, жонсиз асарларнинг кўплаб яратилишига олиб келиши мумкин. Мана шундай шароитда танқиднинг вазифаси ва роли бекиёс даражада ортади. Партиянинг қатор Пленумларида ўқирганидек, марксизм-ленинчи танқид бадий жараёнлар ва адабий-бадий ижода таъсир кўрсатиши, унинг коммунизмнинг ҳаётий манфаатлари йўлида муваффақиятли хизмат қилдиришга қўмақлашувчи асосий методга айланади. Санъатимизнинг бугунги ўсиш йўли бу фикрнинг қанчалар тўри эканлигини қайта-қайта исботлаб турибди. «Коммунизм» журнали совет танқидчилигининг кейинги йилларида социалистик маданий воқелигимизда ўйнаётган бекиёс аҳамияти, унинг бугунги ва эртанги долзарб вазифалари ҳақида ўз редакция мақолаида илмий-назарий теран ва салмоқли фикр юритаркан, буларни танқиднинг юксак миссияси, унга билдирилган энг олий ишонч деб атайди.

«Бизнинг матбуотимизда,— деб ёзади ҳақил суратда «Коммунизм» журнали,— кўпмиллатли совет санъатининг бундан кейинги равишда ҳақиқат, эстетик системага айланган социалистик реализм, ҳозирги замон ҳақрамони, кино ва ёшлар, драматургия ва театр муаммоларини кўтарган қатор жонлиқ бахслар бўлиб ўтди. Ижодий соҳаларнинг сўздалари, пленумлари, йилгишларида танқиднинг долзарб масалалари, муҳокама қилинди. Бу вазифалар партия ва халқ коммунист қурилиш жараёнларида ҳам қўлаётган сийсий, иқтисодий, социал масалалар билан чамбарас боланмоқда. Бу идеология аҳамияти теран аниқланмоқда. Совет танқидчилигининг энг яхши асарлари фикрнинг чуқурлиги, далолатлиги, равшанлиги, санъатнинг тараққиёти ва тақдирга эҳтироси манфаатдор муносабати билан акралаб туради». Лекин танқид соҳасида эришилган ютуқлар қанчалар кўп ва салмоқли бўлмасин, деб ёзади журнал, улар билан қаноатланиб ўтириш, хотиржамликка берилиш ярамайди. «Кўпгина шундай фикрларини ҳам эшитишга тўри келадики,— деб таъкидлайди журнал,— гўё ҳозир бадий ишорамиз ҳақдан эиёб кўп ва гўё ҳаммасини рецензия қилиб ўлгуришини сира ҳам илоҳий йўқ. Тўри, бу ерда катта қизиқишчилар мавжуд. Лекин шундай бир ўринли савол туғилди: биз ўзимизда бор ишонимизлардан етарлича услатлик ва ақлдор билан эўр мақсадларни қўзғалган ҳолда фойдалана олмаймизми? Танқидий таҳлил учун асар танлар эканлиги, ўзимиз бунда етарлича объектив фикр айтмаганими? Ростини айтлик: айрим тақризчилар ва редакциялар тақриз қилганда қандай ўлчуларга суянганликлари, ниялардан келиб чиққанликлари биллиб олиш қийин. Албатта, ҳамма кўзга алоҳида ташланб, турган асарлар ҳақида сўз айтишга ошмақда, ҳўш, қолган асарлар-чи, улар нима бўлади? Афтидан, уларни тақриз қилиш четдан қараган одамга жуда номалўлум, галати сабаблар билан боғлиқ бўлиб қолаетганга ўхшайди. Айтايлик, мисол учун бир телестановка ҳақида у намойиш қилинган кўниёб тақриз босилиб чиқди. Бу постановкада асло қолшмайдиган бошқа асар ҳақида эса ярим йилдан асг мақола чиқдики у умуман чиқмайди».

Чиқаетган тақризларнинг кўпчилигида эса, деб қайд қилди журнал, ошриб маъташларга ўринишлар, мулолаждор тавсифлар бериш, мадхўйлик қилиш ҳоллари ҳам тез-тез ўқиради. Асарларни баҳолашда меъёр ва дндга кўнда рўйс қилинавермайди. Натикада ўз мақтовларимизнинг асир бўлиб қоламиз ва бу ҳодисага реал қарашга тўсқинлик қилади.

«Санъаткорга бўлган чинакам ҳўрмат,—деб ёзади журнал редакция мақолаида,— унинг ёзган асар ҳақида ҳақиқатини айтиш билан белгиланади. Албатта, ҳақиқат ҳар доим ҳам, ҳаммага ҳам қавермайди. Дндга тўри қолмавермайди. Ижодий соҳаларнинг партия таъинлотлари айрим союэ аъзолари самимий, эътиборли танқидий фикрларга жндий ва соғлом муносабатда бўлмасини ҳолларига катта эътибор билан қарашлар даркор». Албатта, ҳар қандай танқидий, мулолажага қўшмавериш ҳам шарт эмас, лекин уларни бутунлай икор қилиш ҳам жоиз эмас. Амабаладиган жоиз йўқин, санъаткорнинг танқидга муносабати— жуда мураккаб ва нозим масала, унч ҳеч қачон административ йўл билан ҳал қилиб бўлмайди. Мана шунинг учун ҳам бунда жомаотчиликнинг эътиборли овози, ижодий секция, конференция ва пленумларда жндий ва очиқ муҳокамалар ўтказиш, бир стол атрофида адблар билан танқидчиларни ўчрштириш гўйда муҳимдир».

Шакл ҳамда мундарижанинг бирлиги, деб ёзади яна журнал, марксизм-ленинчи эстетика ва танқиднинг етакчи принциплари бўлиб қолаверадн. Ғовий етуклиги, граждонлиги йўналиши ҳақида қайғурганда, бу доимо профессионал маданиятнинг юксалиши ҳақидаги гамхўрлиги эканлигини унутмаслигимиз лозим. Танқид бу ҳақида мизил суратда қатъий фикрлашиб, ўз зарур сўзини айтиб бориши керак. Биз «Гигантошани» деган дард туфайли кўп нарсаларни йўқот-япмиз. Ҳозир ижодий ҳодимларнинг анганга қисми шу касалга чалинган. Айтايлик, телевидениеда бир серияга бе-малол синадиган воқеа тўрт-беш, гоҳо ундан ҳам ўзунроқ серияларга қўзиб юборилади. Кўпгина кинорежиссёрлар аксар ҳолларда бир серияли фильм эмас, албатта, икин ёки ундан кўпроқ серияли фильмлар яратиларн келади. «Кўп-сўзлили бацилмас,—деб ёзади журнал,— бадий прозага ҳам ўтди, айниқса, тарихий ва детектив-саргузашт асарларда ақвол шундай. Базм бир романлар зерикарни, ҳаммага маълум ахборотлар билан шуначалик тўлиб тошиб кетгани, фикр бериш, ҳавили ўстириш ўринга ухлатишга хизмат қилади». Танқид бундай ҳолларда ўз қатъий принциплар сўзини айтиши зарур. Бунинг ўринга у айрим паёлларда исботлаб бўлинган нарсаларни қайта исботлаш, очилиб бўлинган эшикларини қайта-қайта очиш билан шуғулланади. Ваҳоланки, у айрим асарларда учраётган мураккаб ҳаётий коллизияларни енгил-елпи ҳал қилиш, миллий ҳаёт тақрибларидати Давоми иккинчи бетда

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ
МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ГАЗЕТА 1956 ИЛ
4 ЯНВАРДАН ЧИКА БОШЛАГАН

1984
23 МАРТ
№ 13 (2753)
ЖУМА



Суратда: Ҳамзанин 95 йиллигига бағишлаб Х. Олимжон номидаги Адабиётчилар уйи-Н. ШАРИПОВ фотоси.

ИНҚИЛОБ КҮЙЧИСИНИНГ БАЙРАМИ

Бир неча кундири, республикамизнинг шаҳар қишлоқларида, мактаблари ва олий ўқув юрларида, корхоналарида ҳамзахонлик кунлари давом этмоқда. Ўзбек совет маданиятининг улғу арбоби бағишланган байрам баланд рух билан нишонланмоқда.

20 мартда республикамиз пойтахтининг шoir номи билан аталувчи хибониде умумшаҳар митинг бўлиб ўтди. Бу ерга республикамизнинг йирик адиблари, ҳамзахонлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, студентлар тўплан-

27 МАРТ — ХАЛҚАРО ТЕАТР КҮНИ

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ЖАРЧИСИ

Театр ҳозирги кунда халқларимиз ҳаётининг аиралмас бир қисмига, катта маънавий-руҳий эҳтиёжга айланган. Бизнинг мамлакатимизда Халқаро театр кунини фақат шу санъат намояндаларининг эмас, балки кўпмиллатли санъат мулкларининг ҳам байрами сифатида кенг нишонланади.

Йилгирма учинчи мартда нишонланаётган бу йилги театр байрами мамлакатимизда, айниқса, ўзгача бир вазиятда ўтмоқда. Яқиндагина истиб-олимизнинг энг режаларини белгиллаб берган КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленум қарорларининг илҳомбаш руҳи кишиларимизни, шу жумладан, санъат ақлини ҳам янги ижодий марралар сари бошлади.

Республикамиз меҳнаткашлари учун эса бу галги театр кунининг алоҳида аҳамиятли томони бор. Бу йил Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллик юбилейи нишонланади. Ўз-ўзидан равшанлиқ, республикамиз театр санъатининг тараққиёт йўллари бу муҳим сийсий воқеа билан чамбарчас боғлиқдир. Революция кўйисини Ҳамза Ҳамзада Нибзий асос солган ўзбек Совет театр бошқа совет республикалари театр санъати билан ҳамкорликда, ўзаро маданий алоқа-лар таъсирда ривожланишининг муҳим босқичини босиб ўтди. Ҳозир республикамизда ўттизта давлат театри ва йилдан ортқ филармония, кўплаб концерт ташкилотлари фойлият кўрсатмоқда. Театрларимизда ўзбек, совет ва илгор чет эл драматургларининг ғовий-сийсий жоҳатдан бакувват, юксак инсоний идеалларни ўзнда акс эттирган асарлари сахналаштирилмоқда.

Саҳналаримизда совет кишиларининг фидокорона меҳнати, тинч-фаровон турмуш, маънавий-ахлоқий дунёси акс эттирилган, халқ қаҳрамонларининг образлари, тарихнинг унутулмас зарвараклари, дйрмизнинг олтинш йиллик ривожланиш босқичи таъсирланган асарлар кўпайиб бормоқда. Театрларнинг тинчлик, ижтимоий тараққиётга қўшаётган ҳиссаси беаҳодир.

Шуни ишонч билан айтмолики, бу галги Халқаро театр кунини ҳам СССР халқлари театрларининг муваффақиятларини яна бир наффа намойиш қилиб, саҳна ижодкорларини, қолaversа, дунёдаги бера тараққиётларар кучларини жаҳонда тинчликнинг галаба қозониши учун курашга даъват этаверадн.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикада адабиёт ва санъатни янада ривожлантириш, Совет Ўзбекистони меҳнаткашларининг ўтган 60 йил мобайнида экономика, фан ва маданий соҳасида эришган улғувор муваффақиятларини муносиб равишда акс эттирадиган янги салмоқли бадий асарлар яратилишини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган энг яхши адабиёт ва санъат асарлари учун республика конкурси ўтказиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Конкурс тўғрисидаги низоми ва жюри состави таъдиқланди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига, Ўзбекистон ССР Давлат кинематография комитетига, Ёзувчилар, Кинематографиячилар, Рассомлар, Композиторлар, Архитекторлар, Журналистларнинг ижодий соҳалари, республика театр жамаиятига конкурснинг ташкилий йиғилдан юксак савияда ўтказилишини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган асарлар яратишда адабиёт ва санъат арбобларига зарур ёрдам беришни таъминлаш топишқилди.

Республика газета ва журналларининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эитириш даялат комитетига, ЎзТАГга конкурснинг боришини мунтазам ёритиб туриш ҳамда юбилей шарафига яратилган адабиёт ва санъат асарларини кенг тартиб қилиш тавсия этилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН
КОМПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ
60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЭНГ
ЯХШИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
АСАРЛАРИ УЧУН РЕСПУБЛИКА КОНКУРСИ
ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

1984 йил 27 октябрда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Ўзбекистон Коммунист партияси ташкил этилган кунга 60 йил тулади. Республика ҳаётидаги шу шоқли санани муносиб кўтиб олиш, шунингдек Коммунист партияси билан Совет давлатининг ленинчи миллий сийсати таъинласини, Совет Ўзбекистонининг экономика, фан ва маданий соҳасида Совет ҳокимияти йилларида улғу рус халқининг, мамлакатимиздаги барча миллият ва элатларнинг беғараз қардошларча ёрдами туфайли эришган буюк муваффақиятларини тараннум етувчи адабиёт ва санъатнинг салмоқли асарлари яратилишини рағбатлантириш мақсадида рес-

публика Ватанимиз шон-шўҳрати йўлидаги порлоқ келажак — коммунизм йўлидаги бунёдкорлик меҳнати-нинг улғуворлиги ва латофатини кўрсатишга асосий эътибор берилиши зарур.

Конкурсга 1983 йил 1 январидан 1984 йил сентябрга-ча бўлган даврда яратилган адабиёт, музика, тасвирий ва кино санъати, архитектура ва журналистика асарлари қабул қилинади.

Конкурс гоилибларни тақдирлаш учун қуйидаги мукофотлар белгиланди:

1. КАТТА ЖАНРЛАДАГИ
БАДИЙ АДАБИЁТ
АСАРЛАРИ УЧУН

(Романлар, қиссалар, достоилар, туркумли шеърлар, пьесалар)
Битта биринчи мукофот—1500 сўм.
Битта иккинчи мукофот—1000 сўм.
Битта учинчи мукофот—500 сўмдан.

2. КИЧИК ЖАНРЛАДАГИ
БАДИЙ АДАБИЁТ АСАРАРИ
УЧУН

(Ҳикоялар, балладалар, шеърлар, бир пардали пьесалар)
Битта биринчи мукофот—1000 сўм.
Битта иккинчи мукофот—800 сўм.
Битта учинчи мукофот—500 сўмдан.

3. БАДИЙ ПУБЛИЦИСТИКА
ВА ОЧЕРК УЧУН

Битта биринчи мукофот—500 сўм.
Битта иккинчи мукофот—400 сўм.
Битта учинчи мукофот—300 сўм.

4. КАТТА ҲАЖМДАГИ
МУЗИКА САНЪАТИ
АСАРЛАРИ УЧУН

(Опера, балет, оратория, симфония, кантата, музика-драма, драматик спек-

таклар ва кинофильмлар учун музика).

Битта биринчи мукофот—1500 сўм.

Битта иккинчи мукофот—1000 сўм.

Битта учинчи мукофот—500 сўмдан.

5. КИЧИК ҲАЖМДАГИ
МУЗИКА АСАРАРИ УЧУН

(Ода, қўшиқ, романс ва шу кабилар)
Битта биринчи мукофот—1000 сўм.
Битта иккинчи мукофот—800 сўм.
Битта учинчи мукофот—500 сўмдан.

6. ТАСВИРИЙ САНЪАТ
АСАРЛАРИ УЧУН

(Сураткашлик, ҳайкалта-рошлик, графика, плакат, монументал ва манзарали-амалий санъат)
Битта биринчи мукофот—1500 сўм.
Битта иккинчи мукофот—1000 сўм.
Битта учинчи мукофот—500 сўмдан.

7. СПЕКТАКЛЛАР,
КОНЦЕРТ-ИЖРОЧИЛИК
ФАОЛИЯТИ УЧУН

(Опера, музикали драма, балет ва драма спектакллари, симфония, хор коллективларининг ҳамда ашула ва рақс ансамблларининг концертлари, яна икрос этти)

Битта биринчи мукофот—1500 сўм.
Битта иккинчи мукофот—1000 сўм.
Битта учинчи мукофот—500 сўмдан.


8. КИНО САНЪАТИ
АСАРЛАРИ УЧУН

(Сценарийлар, тўла метражли бадий, ҳужжатли, телевизион фильмлар)

Битта биринчи мукофот—1500 сўм.
Битта иккинчи мукофот—1000 сўм.
Битта учинчи мукофот—500 сўмдан.

Конкурс якунлари ва энг яхши асарларни матбуотда эълон қилиш, шунингдек конкурсда қатнашган энг яхши фильмларнинг ўн кунликлари, тасвирий санъат асарларининг тематик кўргазмаларини ўтказиш кўзда тутилди.

Конкурсга тақдим этилган асарлар 1984 йил 1 сентябргача қуйидаги адресга «Конкурсга» деган белги билан юборилиши керак: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 1-уй.



НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК БЎЛСИН!

Доира рақсга чорлайди. «Баҳор» ансамбли санъаткорлари — Ўзбекистон ССР халқ артистлари Маъмура Эргашева ва Қаҳрамон Дадаев.

С. МАҲКАМОВ фотоси



СССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ПЛЕНУМИ

Газетамизнинг олдинги соннда хабар қилинганидек, шу йил 13 март кунн Москвада СССР Ёзувчилар союзи правленесининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленум СССР Ёзувчилар союзи правленесининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. М. Марковнинг кириш нутқи билан очилди. Пленум ёзувчилар ташкилотлари ва адабий матбуотнинг КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь ва декабрь, 1984 йил февраль Пленумларининг қарорларини, партия Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко нутқларида баён этилган фикр ва ҳулосаларни амалга ошириш борасидаги вазифаларини кенг муҳокама қилди.

Бу ҳақида доклад қилган СССР Ёзувчилар союзи правленесининг секретари Юрий Иванович Суровцев кўпмиллатли совет адабиётининг ҳозирги аҳолига тўхталиб, унинг ютуқ ва камчиликларини чуқур таҳлил қилиб берди. Дондачн рус ва бошқа қардош халқлар адабиётларида рўй бераётган муҳим ҳодисалар ҳақида гапираркан, сўнгги йилларда ўзбек совет адабиётда яратилган янги замонавий асарларга, жумладан, Сарвар Азизов публицистикаси, Саид Аҳмад ва Назир Сафаров очерклари, Шукрулло-нинг «Аср баҳси», Саъдулла Кароматовнинг «Сўнгги бархан», Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб», Тўлениберган Қайибергановнинг «Қорақалпоқ достони» асарларини ижобий баҳолади.

Давоми учинчи бетда

ҚОН ВА ШОН

ШЕЪРИЙ РОМАНДАН ПАРЧА

Султон АҚБАРИЙ

Шоир Султон Ақбарий Ленинград қамали хусусида «Қон ва шон» шеърӣй романини яратди. Асар Ленинград муҳофазасининг метин ташкилотчиларидан Андрей Андреевич Жданов, Эрмитаждаги навоийхонлигининг таъаббускори академик Иосиф Абгарович Орбели, шарҳшунос Николай Федорович Лебедев хотирасига бағишланган. Қуйида шу романдан парча ўқийсиз.



Қуббали эшиклар ва бўртма нақшлар
Уша Эрмитажу, уринган хиёл.
Бекорхўжаси йўқ, закий, ахшилар,
Гул ташлаган ойна, визилдоқ шамол.
Қамалда ҳам ўзин фанга бағишлар
Тарих зийнатларин ташувчи ҳаммол.
Лат емасин, қумга ўраб яширар
Дурри жавҳарларин эрқагу аёл.
Бўсағада шахсан ўзи қаршилар
Асога таяниб келса серсоқол.
Упишар бузруқвор, улуги билан,
Ҳарбийнинг честиға қуллуғи билан.

Қирра кулоҳ, жанда ва кашкули йўқ,
Бисотдан яхшинин кийган Орбели.
Галстуги қийшиқ, нўхат гули йўқ,
Бир пиёла чойга ийган Орбели.
Ҳатто пўстлогин ё кўка гули йўқ,
Нафс балосин қаттиқ тийган Орбели.
Учоқда ўти йўқ, ўчган кули йўқ,
Иситган, бийлаган-бийган Орбели.
Фансиз тирикчилик, хатсиз қули йўқ,
Сўзининг қийинини қийган Орбели.
Майдақашмас, унинг қўламини улкан,
Ақл лаззатидан улус баҳраманд.

Тақа-тақ тўхтади кеча трамвай,
Ҳавода симмас, оқ ўқлоқ муаллақ.
Автобуслар ичи ўрдай ҳойнаҳой,
Бошқа ҳунарларнинг йўқмиди, валлоқ.
Фозиллар иззатлаб келишган атай,
Навоий лутфиким хуш турар, фараҳ.

Эрмитаж ёстиқдан бош кўтаргандай,
Жонбахшир, қилишмас валақа-валақ.
Жисмда қамолни иштиёқ ва сазъ,
Кўнгил китобидан очарлар варақ.
Изғириннинг тили санчгандай тикан,
Қовушганда заҳми билинмас экан.

Раёсат йўқ. Раис ўрнида махмур —
Иосиф Орбели. Равонбахш нутқи.
«Алишер Навоий — сўнмас тафаккур,
Бадияти шундай жозиба ўтки,
Қамалда ҳам жонга журба ёруғ нур,
Дорий қабиласи соломас қутқу.
Маънилар конидан дур терсанг бир қур.
Шавқинг унутди меҳробки, бутки.
Тириклик илдири заминда чуқур,
Қилич домда ҳам саодат кутким,
Тўрт оёқли бўлиб туғилмасга тан,
Сажда қилар байта у абадиян».

Илкис отишмалар гумбур-гумбури,
Деразалар қалт-қалт шиқирлаб кетар.
Шургулдик чумчуқдай одамнинг умри,
Жонингни кўзингга кўргизиб ситар.
Орбели тинчлатар гала-говурни,
Маълис давом этар, лутф давом этар.
Малак сиймоларда яшаш гурури,
Тўп ўқлари соҳил музин иргатар.
Ҳазрат Навоийнинг мусаллам шеъри,
Гўё бундан Шарқнинг зеҳнига етар.
Фан ҳам қаҳрамондир, фан ҳам музайян
Ленинград учун қурбондир расман.

ОТАЕР

МИРТЕМИР

Эзгулик дарчасин чертмади бекор,
Сокин кечиб ўтди ўту сувида.
Умри ўтди оддий, бетинч, камсухан,
Аянч ҳар даҳмаза—ортиқча ва ор...

Шундай: оддий бўлди, миқти ва девтарз
Куйлади ёндириб, ёниб бир овоз —
Дунёни ғубордан бўлсин деб халос,
Жаҳонга ногаҳон тушмасин деб дарз...

Бу зилол уммондан қатра ичалмоқ
Бегараз кўнгиллар армони бўлди,
Чанқоқ йўлчиларнинг дармони бўлди,
Осонмас оддийлик зангини чалмоқ.

Олисларга етди, овози, сози,
Халқининг кўнглидан айтди не деса,
Бир силтаб қайирди не доvon келса,
Беминнат умридан эл-юрти рози.

Сокин ҳайқирди у, сокин садо у
Она тупроғини суйган энг суюк.
Ленин даҳосини суйган дил, буюк
Мангу ватаним, деб куйган буюк у.

КИНЕМАТОГРАФ

(ТУРКУМДАН)

Коронгу зал ёришару
Туман дунё бўлар пайдо:
Кутмоқдан ҳам бўлиб адо
Кўзларини ёшлар сулу...

Титрат бир зум шабнам узра...
Томчирид сув, маржондир сув,
Лаҳза ўтмай тўкилар дув,
Почадан сув асил зира...

Ақиқ лаблар қимтинадил,
Ҳайрат қотар нигоҳларда,
Ейилар ёш қора хатда,
Бешиқ. Ийги. Дил тилади!..

Чайқалади хурмода сут,
Сачраб кетар кўзадан сув.
Кампир энди ўша сулу,
Ўғли ўсмиш мисли бургут.

Меҳнат элин қаҳрамони,
Ана ўзи қилар дадил,
Онасиға ёради дил
Шарҳлаб берав ўтган онни.
Фикру зикри чизиб, ўқиш
Мукка тушмиш невараси.
Кузатамиз унинг дарсини:
Езув: «Бўлмас сира уруш!..»



Яна баҳор келди...

С. МАҲКАМОВ фотоси

ТУРКУМДАН ўтиб, ярим соатча юргач катта
трассадан ўнгга, чорвачилик фермасига
олиб борадиган қачингига асфальт йўлга
бурилдик. Олдинда дов-дарехлар қуршовидаги
шифр томли иморатлар кўрнча бошлади. Сай-
дамаат ақанинг кўргони шу қишлоқ охиридаги
адир эстагиға жойлашган. Қишлоқ кўчалари,
ақён-ақёнда учраб турадиган ёш болаларни ҳи-
собиға олганда, қимсасиздек кўринади.

Пўлат иккаламиз кўпдан бери, Сайдамаат ақа-
нигиға бориб, бир кеча тунаб келамиз, деб
ният қилиб юрардик. Сайдамаат ақа Пўлатнинг
туғишган тоғаси. Менга эса... тоғамнинг катта
ўғли. Тоғам шу қишлоқда, Сайдамаат ақа қўлида
бундан ун йил олдин тўқсон бир ёшида қаза
қилган эди. Бебаҳо одам эди раҳматли...

Манзиллигига ақин қолди. Яна ўн-беш ми-
нутдан сўнг чатта бурилдик. Шариллаб бир ариқ
сув оқаётган катта чўзи труба-кўприкдан ўтиб,
ланг очик турган дарвозага қараб юрдик. Топи-
сига қамчи бостириб, лой сувоқ қилинган ба-
ланд дарвозахонадан ўтиб, давиллама ҳовли
тўридаги уйнинг пешайони панасида, соя жойда
тўхтадик. Кўрмисизгина малла кучук ақиллаб
ёнигага солиб келди ва оёқларимизни бир-
икки ҳидлаб кўриб, думини лиқиллатганича дар-
возахонанинг тагига бориб ётди. Ошхона эшиги
олдида янгамиз пайдо бўлди. У кафтини пешо-
насиға соябон қилиб, бизга бир зум қараб
туради-да:

— Пўлатжонлар-ку!— деб қўйди. Сўнг негадир
орқа изига қайтмоқчи бўлди. Кейин унга белан-
ган кўллариини шошиб эстагиға артганча майда
қадамлар билан тез-тез юриб кела бошлади.
Навбат билан елкамизни билганини қўйиб эсо-
мон сўрашди. Шу пайт кўча эшикдан ҳаллослаб
Эркинжон кириб келди.

— Муроджон ўртоғимизкида дарс тайёрлаёт-
ган эдик. Сизларнинг ўтиб кетётганларингизни
кўрдиму-у, чопдим,— деди у биз билан икки қў-
лини бериб сўрашар экан.— Яхши келдиларин-
гизми?

— Раҳмат.
Пўлат ун бағриға тортди:
— Ҳозирча «беш» ҳаммаси!
— Нечанчи синфдасан?— деб сўради мен.
— Учинчида ўқийман.

Эркинжон, қаттиқ чопган шекилли, ҳамон ҳар-
силлаб нафас олар, қора кўзлари қачиб тур-
арди.

Янгамиз айвондан ўтиб, бизни ичкариға бош-
лади. Дахлизга кирдик. Нимкоронинг. Салқин.
Рўпарада боққа очилган кичик эшик. Чап томон-
даги бурчақда теласига оқ доқа ташлаб қўйил-
ган қуваги кўзини тушди. Ҳойнаҳой ичиде айро-
ни бор. Муздаккина. Бейхитёр бир-икки ютиниб
қўйдим. Ҳозир иктиёр менда бўлса, ўша айро-
нда бир косасини шимириб олиб, ана у шолча
устидеги кўрпачага чўзилган бўлардим. Янгамиз
қорхона хона тўрига янги кўрпачалар тўшаб,
бизни кутарди. Хонаға кирдик. Рўпарадаги тах-
монда оҳори тўкилмаган ранго-ранг кўрпалар,
парку ёстиқлар тахланиб турар, ўртадаги ойна-
ванд жавонига чинни идиш-товуқлар даста-даста
қилиб тартиб қўйилган эди. Полга кўпранг кизил-
лар устидан бир-бириға жипслаштириб иккита
бир хил гилам ёзилган, эшикдан кираришда
чап томонда атрофда қами ўн-ўн икки киши
бемалол жой оладиган катта хонахата деворга
суяб қўйилган, ундан нарироқда бурчақда усти-
ға ҳаворанг илак чойшаб ташланган симкаравот
яқинда турар эди. Ҳавоси баланд, кенг ва ёруғ
хонада шаҳар хонадонларига хос, баъзан му-
лақо кераги бўлмаган, фақат жой ўғирлайдиган,
ортиқча жиҳозлар йўқ эди.

Янгамиз бизни тўрға ўтказиб, ёношимизга
иккитадан ёстиқ келтириб қўйди. Узи бир чекка-
га омонатгина ўтирди. Одатга кўра, тинчлик ва
омонлик бўлсин, дех фотиҳа қилганимиздан кей-
ин:

— Йўл юриб келгансизлар. Оёқларингизни чў-
зиб бемалол дам оларингизлар,— дедя ўрнидан
турди.— Мен чой қўйиб юборай. Йўлдан чанқаб
келгансизлар.

— Чанқаб келганимиз рост,— дедим мен.—
Айрон бўлса ёмон бўлмасди.

— Вой, нега бўлмасин, бор. Қаттиқ ҳам бор.
Сут-қаттиқ, шуқур, серобчилик,— деди янгамиз
остонаға етган жойида тўхтаб.— Қаттиқ олиб ки-
ра қолай. Янги ивиганман.

— Менга айрон бера қолдинг,— дедим ана.
Кейин Пўлатга қарадим.— Сен нима ичсан: ай-
ронини, қаттиқми?

— Менга ҳам айрон,— деди у. Сўнг ўзига хос
ёқимли жилмайиш билан қўшиб қўйди:— Қувада
пишилган айрон ичмаганимга кўп бўлди.

— Айрон ҳам янги,— деди янгамиз.— Эрталаб
пишган эдим. Ҳозир олиб кирмаман.

Тахминим тўғри чиқди. Дахлиздан қуваининг
«гуп-пиш, гуп-пиш» қилган товуши эшитилди.
Зум ўтмай янгамиз икки косада айрон қўтариб
кирди. Юзини сарғай зарралари қоплаган айрон-
ни икки-уч симиришда тамоллади. Чанқоғим
таққа босилиб, бутун баданим яйраб кетди. Пў-
лат ҳам бир коса айронни паққос тутган эди.
Янгамиз бизга қараб мамун жилмайиб турарди.
Шу пайт елкасида сочик бир қўлида обдаста,
иккинчи қўлида дастуш қўтариб Эркинжон ки-
риб келди.

— Кўларингизни ювасизми?— деди у ёнимга
қелиб.

— Йўғ-э,— дедим шошиб. Сўнг қулдим.—
Ювасизм албатта. Лекин бу ерда эмас. Ховлиға
чиқамиз. Яхшиси, ариқ бўйига чиқайлик. Ўша ер-
да ювасизми.

— Бўлмас,— деди Эркинжон ҳозиржавоблик
билан,— сой бўйига бора қолайлик.

— Чўлибса бўлмасми?— Пўлатда жонланш
пайдо бўлди.

— Ҳа. Чуқур жойларни ҳам бор.

— Маза қилар эканмиз-да!— Пўлат менга қа-
раб қулди.

— Кетдик бўлмасе.

Сой бўйига боғ оркали ўтиб борамиз, деб ўй-
лаган эдим. Лекин Эркинжон:

— Богда у ёққа эшик очилмаган,— деб биз-
ни кўчага бошлади. Сўнг:— Мен ҳозир чиқа-
ман,— деганича ён томондаги хонаға кириб кет-
ди. Зум ўтмай «Вега» маркази қачингига маг-
нитофон кўтариб чиқди.

Пакса девор бўйлаб кўргонни айланиб ўтиб,
боғ эстагидаги сим тортилиб, чангаллар билан
тўсиб қўйилган «панжара»га туташ майсазор
майдонга чиқдик. Гир-гир шабада эсиб турарди.
Қафдек текис, кўкаламзор сайхонлик стадион-
лардаги футбол майдонларини эслатар, ҳас-чўп,
ҳатто бир парча қозоқдан нишона кўринмас, бу
ерни гўё табиатнинг ўзи муҳофаза қилар, ёмир
сув сўйиб, шамол супуриб турар эди. Майсазор
сой бўйига бориб тақалар, сойнинг у тарафи
ҳам кўм-кўк ялангликдан иборат эди. Нақадар
баҳово жой, сўлим манзара...

Магнитофондан Муножат Йўлчиева икросида
«Самарқанд ушшоғи» янграр, сойнинг муслиқ
шилдираши унга жўр бўлар, шебаданнинг сирли
шивириши ёшигизини эслатувчи аниқ бир ҳи-
рлар уйтарар эди.

Сойнинг тевароқ жойига қелиб тўхтадик. Би-
ринчи бўлиб Эркинжон сува қалла урди. Биз
ҳам бирин-кетин шўнғидик. Чўлиганим сари
бутун ёлғоин баданим яйраб, ўзимни қушдек
енгил ҳис эта бошладим. Назаримда, бир соат-
ча чўлиниб, кўтарилиб бир қайдиғанда уйга
қайтдик. Дастурхонда бизни ҳозиргина тандир-
дан узилган, қиз болаининг юзидек гулланиб тур-
ган бўрсилдоқ ноплару бир коса қирқна қай-
моқ, катта лағанда эса буги бурқираб турган
тухум қовурдоқ кутар, қуйида жимжимдор
руҳ самовер шигиллаб «киргойи» қилиб турар
эди.

— Олинлар, қоринларинг очгандир,— деди
янгамиз нон синдириб, қовурдоқни олдимизга
сўрар экан.

— Хали замон бир тўғрам нон тишлашга ҳуши-
миз йўқ эди. Энди эса иштаҳа билан овқат
ейишга киришдик.

Кўп ўтмай ҳовлидан мотоциклининг товуши
эшитилди. Эркинжон ўрнидан туриб ташқарига
шошилди. Янгамиз эса чой қуя туриб:

— Тоғангиз келди,— деб қўйди.

Утирган еримда деразадан ҳовлиға кўз таш-
ладим. Қажавали мотоцикл ичиде турган Сай-
дамаат ақа катта қопни Эркинжонга орқалатмоқ-
да эди. Қовунгарау, деб қўйдим ичиде ва у
кишининг истироҳига чиқиб тарадуданда ўр-
нидан турмоқчи бўлдим. Аммо янгамиз:

— Утиравингизлар. Дераздан келдилар. Юви-

ниб, кейин кирадилар,— деб тўхтади.

Дераза олдида сочик билан қумғон кўтарган
Эркинжон ўтиб кетди. Биз ана бир-икки пиёла
чой ичганимизга Сайдамаат ақанинг ўзлари ки-
риб келди. У биз билан кучоқлашиб кўришар
экан:

— Кейси шамол учирди? Бола-чақалар омон-
ми?— деб қисқинага ҳолаҳол сўрашди. Аза-
дан кам гап эди. Сўнг бизни жойимизга ўтқа-
зиб, ўзи кўйроққа чўқалади ва хотини узатган
чойни бир-икки ҳўлашда тамоллаб:— Селлар
бемалол ўтиравингизлар. Менинг ярим сойли
ишим бор,— дедя ўрнидан турди. Янгамиз, қаёқ-
қа, ўзингиз ҳозир келдингиз-у, деб сўрамади,
ажабланмади ҳам.

Бир неча минутдан кейин ҳовлидан алланма-
нинг гўрсиллагани, қўйнинг бўғи маъраши эси-
тилди. Юрагим бир нарсани сазгандек, ўрним
дан туриб, чекиб кириш баҳонасида айвонга чиқ-
дим. Сайдамаат ақа ҳовлининг бир чеккасида,
огилхона ёнидаги бурчақда ёношимга ётқизил-
ган катта қора қўйнинг оёқларини боғламақда
эди.

— Сайдамаат ақа! Тўхтаг!— дедя ёнимга шош-
дим. У менга, битта қўй, нима бўпти, дегандек
жилмайиб қараб қўйдим, қора қўйнинг ақали
етган шекилли, бўғизига пичоқ тортиб юборди.

— Аттанг!— дедим қўйнинг бўғизидан отилиб
чиқатган қондан ҳосил бўлган тўқ-қизил, қуюқ
кўлмақчага бир нафас қараб туриб.— Тўшт бор
эди-ю...

Биз ҳозирги гўшт танқислигини ҳисобга олиб,
ҳар эҳтимолга беш-ўн кило гўшт ола келган
эдик. Мен шуни назарда тутган эдим.

— Эртага чоллар киришадилар. Уларнинг олдиға
бош қўймасак бўлмайди,— деди менга жавобан
Сайдамаат ақа жилмайиб.— Тошкентдан келиш-
ган жиянларига қўй сўймабди, дейишмасин. Бўл-
масе, шукр, уйда ҳам гўшт бор.

Сайдамаат ақанинг тажрибали қассоблардек ре-
жалчи, илдам ҳаракатларига қараб туриб, унга
иқчимдан ҳавасим келарди. Узи айтганидек,
қолтиш учини ўриб қўйган бўлса-да, пешонеси-
даги ақиллар қатламини ҳисобга олганда, қў-
риниш анча ёш, юриш-туруш қачқон, адил
қадам-қомадиган, куч ёғилиб турар, меҳнатга
унча-мунча йитига гап бермас эди. Қолхоз тў-
жалигининг оғир устакларидан бирда ишлар

— Полкилик бригадасиға яқин ўн йилдан бери
бошчилик қилиб келар эди.

Сайдамаат ақа қўйнинг терисини шилар экан

Муҳаммад ХАЙРУЛЛАЕВ

МЕРОС

ҲИКОЯ



Расмин О. АКОМОВ чизган

бошини кўтариб:

— Онаси!— деб қақирди. Ошхонадан хотини-

нинг:

— Ҳозир,— деган овози эшитилди ва зум ўт-

май катта тоғора кўтариб келди. Сайдамаат ақа

бир нафас ишдан тўхтаб:

— Тешик бугун кинининг навбатини!— деб сўра-

ди. Хотини унга нима эди, дегандек савол наза-

ри билан қараб қўйиб:

— Забиларинки,— деди.

— Бўлмасе Забиларга айт, навбатини бизга

бера қолсинчи.

Янгам бир зум жилмайиб туриб:

— Тайинлаганман. Бошқа кўшиқларга ҳам айт-

иб қўйдим,— деди. Унинг киноли қарашиде,
гап оҳангиде «Эркак киши бунга ишларга ара-лашмасе, ўзимнинг ақили етмасидеги» деган
мазмундаги гина ётарди. Сайдамаат ақа бунки

сезмади шекилли, расмона оҳангиде:

— Яхши қилибсан,— деб маъқулади.

Бу ерларда азалдан одат шунақа: қўшиқлар

сигирларидан соғиб олишган сутнинг бир қис-
мини ўзаро олиш бериш қилишар, ҳар кунни те-гишли миқдордаги сутни навбат билан бири-
бириға беришар, бунки «тегишли» сутнинг бу-зилган шакли бўлса керак! «Тешик» деб аташар,
бугун навбат олган хонадонда эртаси кунни ал-

батта куви пишилиб, қадоқ-қадоқ сарғай оли-

нар эди.

Деворга суяб қўйилган нарвонга осилган қўй-
нинг жигар-буйрақлари олинчи ҳамон ҳовлида-
ги ўчоқбошида жи-биз бошланг кетди.

КЕЧ кириб, қоронғи тушган, дахлизнинг нари-

ғи ёнидаги хонадан телевизорда кўрсатилаётган

алақандай бадий фильмнинг овози эслас

эшитилиб турарди. Эшикдан кирган янгамиз:

— Ҳавонинг ёғадиган туси бор. Булут қуюқ-

лашиб кетди,— деб қолди. Сайдамаат ақа ўтир-

ган ерида:

— Кетаманчи булутлар. Ёлға ҳам бир пасда

ўтиб кўчиди,— деди. Сўнг ўрнига қаради.— Эри-

кинжон, мотоциклининг кажавасидаги қопларни

олиб қўйсанг бўлармиди.

— Аянондаги кишининг устиға тахлаб қўй-

ганиман,— деди Содикжон катталарга хос ваэмин-
лик билан.

Сайдамаат ақа ўлгининг ўзи биллиб қилган бу

ишини маъқуллаб ўтирмади, одатдаги бир ҳол

деб биллиб, бошқа гапга кўчди.

— Кишим,— деди Халиммага қараб,— энди дас-

турхонини янгиштирсанг ҳам бўлар.— Кейин биз-

га юзланди.— Йўлдан чарчаб келгансизлар. Жой

солишини. Етиб дам олинлар.

Уйдаги қовур-гувору билан сезмаган эканмиз

шекилли, шатрлаб ёмир ёға бошлаган эди.

Машинамизга, офтобдан пана бўлган, деб уртук


ёпиб қўйган эдик. Пўлатга:

— Чехолинки олиб қўяйлик,— дедим. — Ёмигда

қўл бўлиб қолмасин.

Лекин биз машина ёниға бориб улгурмасамиз-
дан Содикжон чопиб келиб, қўявер, деганимга

қарамай уртукни ола бошладилар. Пў



қизилининг кундалик ҳаёти миша куз уңгизимда булади, илмиларимизда ўз аксини пади. Мени асосан замоннинг ҳаёти ва фаолияти эътизиради. Бу йилги иккундй эжелер Республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 60-иллик юбилейи билан баъвасиб-боглик.

Риштон районининг Сўх қиш-қизда Сирончидан Бўрне ваган ақийиб қиш истиқомат қилади. Бу одади ўз қолдири қиш хонадан иборат В. И. Ле-нин ҳаёти ва иқидига бағиш-нинг музей ташкил этган.

ниятлари кам. Чунки иқид қиш-қизнинг учун жуда кам вақт қолади. Студиямизда бир йил-де 60 га қичи хужжати, ил-мий-оммалар ва ўқув филь-мари суретга олинади. Шу кунларда эса республикамиз юбилейи муносабати билан қатъи бир туркум фильмлар яратиш устида иш бошлаган-миз. Шунингдек, келгуси йил фильмлари сценарийлари усти-да ҳам иш олиб бориш ке-рак. Шундай бўлса-да, ўйлаб кўриш иқидий режеларини ил-мон қорига амалга ошириш ниқятдаман.

МАСАЛ ЛАТИФАЛАР

БЕКОРГА ЧИРАНМАЙДИ

Мажлисда ширакайф куйи бакириб-чакириб, ҳаммани ҳақорат қила бошлади.

Мажлис аҳли ҳайрон бўлибди. Ғазабланган айиқ ўрнидан турибди-да, куйини устига бостириб кела бошлади.

— Тўхта-тўхта, маймоқ, бирон ов-локроқ жойга чиқайлик, — дебди куйи.

Икковлари ташқарига чиқишди. Орадан кўп ўтмай, айиқ оқсоқланганча, оғзи-бурни қонга тўлиб қайтибди. Куйи тагин кичирибди:

— Зўрман деганинг борми яна?

Бу сафар бўрибди чикибди. У ҳам айиқнинг ҳолига тушиб, попури пасайиб қайтиб келибди. Куйи учинчи марта келиб чиқилганда ҳайвонлар гаранг бўлиб қолдишди. «Таваккал» дея тулки чикирибди:

— Қани, юр-чи, шалпангқулоқ.

Улар пасткам жойга етишганда йўлбарсини дўрилаган овози эшитилди:

— Ҳой шалпангқулоқ, бир ниша ароғинга иккитасини уриб бераман деганим, нимата энди учинчисини олиб келасан, номард!

САЛЛАСИНИ КЕЛТИР ДЕСА...

— Бўрибой. Ўрмонга борма, шер беш-олтита ҳимйларини тўплаб, қайси ҳайвоннинг қулоғи ўзиникидан узун бўлса, ортиқчасини кестириб ташлапти, — дебди куйи бўрига.

— Ундай бўлса кўркмасам ҳам бўлавераркан, барибир қулогим шерникидан узун эмас.

— Э-э, барибир борма, қулогингдан ажрайсан.

— Нега энди? — ажабланиб сўрабди бўри.

— Чунки улар аввал қулоқни қирдиб, сўнгга ўлчаб кўришяпти-да!

ЎЗИНГА КУЛИШЯПТИ

Куйи айтган латифага ҳайвонлар қулишмабди. Шунда ҳаёли паршон ўтирган эшак ҳам бир латифа айтган экан, ўрмонни даҳшатли қаҳқаҳа босиб кетибди. Бундан ажабланган эшак секин ёнидаги тулкидан сўрабди:

— Унчалик қизиқ латифа эмас-у, намунча қулмасанглар?

— Эҳ, овар, — дебди тулки, — улар латифанга эмас, сенга кулишяпти, ахир сен ҳозиргина куйи айтган латифани қайтардинг-да!

ЖОНЗОТЛАРИНИНГ ЭНГ ЗУРИ

Янги тешиқ қазиб чиққан сиқонни кўриб, тошбақа сўрабди:

— Сен кимсан?

— Мен жонзотларнинг энг зўрими, ҳаттоки фил ҳам мени кўрди дегунча ўтақаси ёрилади, айтгандек, шу атрофда мушук деган ярамас, кўрқоқ жонзот ҳам яшайдими? — дебди сиқон атрофга аланглаб.

Турғунали ЕРМАТОВ

ЭПИГРАММАЛАР

Нодон ила баҳсдан йўқ сира фойда,
Дутор садо бермас карнай бор жойда.

Дўстлар, асаларидан ибрат олсайдик,
Иғво келтирган тилга қилич солсайдик.

Майин бўлгани-чун ўйлаб қарасам,
Ипакни кесолмас экан қилич ҳам.

Чанг тўзон доимо кўкка интилар,
Инжу эса ерни макон, деб битар.

ЙУЛИНИ ТОПДИ

— Ўрмондаги барча ҳайвонлар сени жуда макташадил! Сендан чиқарилроқ ва ҳушовозроқ қуш топилмайдил! Ҳа, дарвоқе, бир сайраб бермасанми? — деди Тулки Қарғанинг тумшугидан пиллоқдан кўзини узоқлаштириб.

Қарға Тулкига юқоридан беписанд қараб қўйди: «Аҳ-моқ тулки! Кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотадил!»

Тулки нима қиларини билмай боши қотди: «Эҳ! Ҳозирги қарғаларни гапга кўндириш қийин. Бирдан Тулкининг чиройи очилиб кетди.

— Шунча гаплар, Қарғaxon! Лекин, биласанми, кейинги пайтларда сендан кўра Каккунин кўпроқ макташяпти. Сен модадан чиққанмишсан! Каккунинг овози сенникидан зўр эмиш! Ўзим жуда келишган...

— Елгон! — деб юборди Қарға аламини чидолмай. — Елгон!

Бу сафар ҳам Тулки маза қилиб пиллоқ ебди.

Аъзам КОМИЛОВ

Ж. БАРАМСАЙ (Мугулистон) ТАСАВВУР ҚУДРАТИ

Муҳтарам хўжайини! Ортиқ тоқатим қолмади. Сизга шу хатни ёзишга мажбурман. Ўтган кунни кечкурун мастер Дамба билан тортишиб қолдим. Мен билан муносабати яхши бўлган Наранинг олдида каминани чўчка деб сўқди. Мана шу ҳақоратдан кейин қўлим ишга бормапти, икки нечадан буюн ухлай олмаман.

Чўчка, ўзининг биласиз, ифлос ва расво махлуқ. Бундан чинди, мен ҳам ифлос ҳайвон эканман-да? Хотиним ҳам, ширин-шаркан болажонларим ҳам чўчка экан-да? Бу ҳақорат заминига диққат қилсак, у ҳукуматимиз биз учун қуриб берган мана шундай аjoyиб уйин ҳам чўчкахона деб камситди, унда ейдиган овқатимизни ҳам чўққанинг емиши деб аташ лозим бўлади. Бу ҳақорат фақат мента тегишли бўлса гўрға эди, камини кичик одам. Аммо бундоқ ўйлаб қаралса, қандай дахшат, бу ҳақорат Сизга ҳам тегишли, хўжайини. Ҳар ҳолда, Сиз менинг хўжайинимиз, демак, у Сизни чўчкабоқарга тенглаштирипти! Буниси аниқ! Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Темирчи қизигада босиб, мастер Дамбани яхшилаб таъзирийни бериб қўйинг. Келинг, бу масала ҳукуматимизнинг маслаҳатлашиб олайлик, бир тўхтама келгач, трест раҳбарлари эътиборига ҳавола қиламиз. Умид қиламанки, бу масалада Сиз оқилона йўл тута оласиз ва оқибат ниятим ҳолис эканлигига ўзининг амин бўласиз.

Ҳурмат билан Чойжинпил.

П. МАЛИКОВ таржимаси

Бошим тегирмон тоши,
Зирқираб оғир белим.
Уша «қулимимини»
Ичма дейди, дўстларим.
Лек қуяр қулогимга
Уша тадбирини пирим.
Дейди: май қон зарар,
Маҳкам ёлғин кимсангин.
Аммо, ушфатинг қуйса,
Қолдирмагин ҳиссангин!

ЖОНИБЕК

МАЖЛИСДАН СЎНГ

Мажлис пайти оғизга
Талқон солиб ўтирар.
«Чек» тушмасини менга
деб,
Бир чеккада мўлтирар.
Мажлисдан сўнг очилар,
Оғиздаги қулф бирдан.
Гап бермасди ҳеч кимга
Қил излайди ҳамирдан,
Миш-миш уруғин сочар,
Мажлис қарорин қолар.
Яна мажлис... Оғизга
У яна талқон солар.

ҚОЛДИРМАГИН

ҲИССАНГИН

Катта дўхтир сўзларин
Айтишга бормас тилим.

Омон ШАРИПОВ

Музаффар ТУРСУНОВ

МИТТИ БЮРОКРАТ

(кейинроқ, албатта, Жасур ана бўлади) кўриниб кетди. Эшикни қия очиб қўйди. Столга эгилган бошини шахд кўтариб, кўкрагини роз тутганча эшикка тикилди. Юзи жиддий, қарашлари тантанавор эди. Ҳаёлан эшик оғизига қимнидриб кўриб, унга: — Елиб қўйинг, мен бандман! — деди. Кейин кимтадир телефон қилмоқчи бўлди. Аланглаб, нимадир қилди. Афсуски, столда телефон аппарати фақат битта эди. Ўрнидан ғириллаб турди, шакфдан ўйинчоқ телефончасини келтириб, стол четига қўйди. Мана, энди кичита бўлди. Яна битта керак. Пахта гулли қосани тўнтариб, устига ёғоч қошиқни қўндаланг қўйди. Жуда соз, мана энди телефон ролла-роса утга бўлди. Худди дадасининг кабинетигадайд.

У дадасининг ишхонасида кўрганларини бир-бир кўз олдида келтирарди. Шкафдан иккита катта-катта қўғирчоқ топиб, эшикнинг ол-

дида бошларини эгилтириб қўйди. Биттасининг қўлини бурлаб, кўксига келтирди. Сўнг ўрнига келиб, салобат билан оғир чўқди.

— Айтдим-ку, бандман деб! — дўқ урди у қўғирчоқларга. — Бу дунёда фақат сизла ишлино, бошқалар бекоёчим! — Е қудратингди! — деди уларга қаттиқ тикилиб. Кейин хато гапирарганини тушуниди-да, «р»ни зўр бериб, тўғри айтишга ҳаракат қилди.

— Бор-ринг, чиқиб туринг! Чақирганда кир-р-расиз!

Узи дик этиб ўрнидан турди-да, қўғирчоқларини эшикнинг орқасига қўйиб келди. Кейин отасининг ҳақиқий телефонини оlib, дисканни ғириллабди айлантирди. Отасининг овозига тақлид қилиб, буюрди:

— Ҳа-ҳа, тушликни сизда қиламиз. Мен-ю-юми? Ҳа-ҳа, димлама бўлсин. Йўқ, ош келая эмас. Қоньяк? Ўзиз биласиз. Ҳа-ҳа, шотут компотям бўлсин. — Кейин да-

даси айтмайдиган бир-икки гапларини ҳам ўзига қўшиб қўйди: — Шакалотдан кўл-ёқ бўлсин. Қовун ҳам! — У трубкани тарақлатиб ўрнига қўйди. Ҳаёл суриб, яна нимадир эслади. Боғча опасининг бир кунни тўполончи-сан, деб уришгани едига тушиб кетди. Столдани қўғирчоқ тугмасини босиб ўдағайлади:

— Тез боғча опани чақиринг! Новчасини!

Сўнг дик этиб ўрнидан турди чопиб бориб, эшикнинг орқасидан боши эгиб қўйилган қўғирчоқни келтириб, хонанинг ўртасига тўқ этказиб тикка қўйди.

— Қани гапийинг, ким тўполончи? — деди «опа»га қаттиқ тикилиб. «Опа»дан садо чиқмади. Жасурий бир кўзи синиқ қора кўзойнагини олиб қўйиб, яна қаттиқроқ тикилди. — Ким тўполончи деппман? Ким шешл едлолмайди, ким талкинани синийди? А? Ҳали меми? Мана, келаркансиз-ку бош эгиб. Ингламанг, нима не-я-

«КУЙ АВЖИДА УЗИЛМАСИН ТОР»

Газетамизнинг шу йил 17 февраль сониди эълон қилинган «Куй авжиди узилмасин тор» сарлавҳали мақолада чолғу асбоблари сифатини янада яхшилаш муаммолари кўтарилган эди.

Мазкур мақола юзасидан қўлаб хатлар олмақдамиз. Қуйида улардан айримларини диққатингизга ҳавола қиламиз.

ИШДА БУРИЛИШ БЎЛСА...

Биз, Тошкент Давлат маданият институтини оркестр директори ва халқ чолғу асбоблари кафедраларининг профессор-ўқитувчилари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг шу йил, 17 февраль сониди босилган «Куй авжиди узилмасин тор» мақоласини муҳокама қилдик.

Мақолада кўтарилган масалалар ҳозирги вақтда жуда катта муаммо бўлиб турибди. Ҳақиқатан ҳам, Тошкент эксперименталь музыка асбоблари фабрикаси ишлаб чиқарётган маҳсулотлар сифатсиз. Бизнинг кўнгузчи ва сиртки бўлим талабалари, республикамиздаги бадий ҳаваскорлик тўғрисидаги, музыка билим юрталари ана шу фабрика маҳсулотидан фойдаландилар.

Талабаларимиз ўқув ва ишлаб чиқариш практикасини ўтаётганда ёки институтни битирганларидан кейин ўз жойларида кўп овозли ансамбллар ва оркестрлар тўзмоқлари лозим. Ана шундай пайтларда сотиб олинган чолғу асбобларини аниқ «тапиртириб» бўлмайди. Мақолада кўрсатилган камчиликларга яна шунларни ҳам қўшимча қилмоқчимиз. Дутор басини «чўчқолар» ахши ишламайдил, бунинг устига 2—«РЕ» тори созини кўтаролмайди. Дутор контра-

А. ХОЛИҚОВ,
Ш. АХМADЖОНОВ,
К. АЗИМОВ,
Т. ИВРОСИМОВ,
Ш. ЮСУПОВ,
Ж. РАСУЛТОВЕВ

ТОКАЙГАЧА ХИЖОЛАТ ЧЕКАМИЗ

Ҳурматли редакция! Биз, Термиздаги Р. Глиэр номидаги 1-музика мактаби ўқитувчилари «Куй авжиди узилмасин тор...» мақоласида айтилган фикр ва мулоҳазаларни жуда ҳам ўринли ва тўғри деб ҳисоблаймиз. Дарҳақиқат, Тошкент эксперименталь музыка асбоблари фабрикаси ишлаб чиқарётган халқ чолғу асбоблари жуда ҳам сифатсиз эканлигига биз ҳам гувоҳимиз.

Мақтаб ихлоқоти ҳақидаги лойиҳа ҳалқимиз орасида кенг муҳокама қилинаётган бир пайтда бу муаммо ўз вақтида кўтарилган деб ҳисоблаймиз. Минг афсускки, шу фабрикада ишлаб чиқарилаётган музыка асбоблари ўқув жараёнини амалга оширишда катта тўғроқ бўлиб қолмоқда. Ўтган йили мактабимиз шу фабрика ишлаб чиқарган чолғу асбоблардан 7000-сўмлик маҳсулот сотиб олган эди. Шулардан учдан бир қисми умуман яроқсиз бўлиб қикди.

Ҳар йили ўқувчиларимиз «Санъат байрами» кўрик-конкурсда қатнашадилар. Жўри аъзолари бизнинг ад-

И. ҲАЙДАРОВ,
Термиздаги Р. Глиэр номидаги музика мактаби директори, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси,
Т. ХУҲАЕВ,
оркестр раҳбари, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси,
А. НАРЗУЛЛАЕВ,
Б. ҲАЙДАРОВ,
А. АБДУРАШИДОВ,
Ш. ҚУРБОНОВА,
Д. САТТОНОВА,
А. ҚОДИРОВ,
ўқитувчилар

УМИД ҚИЛАМАН

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган «Куй авжиди узилмасин тор» мақоласини ўқиб хурсанд бўлдим. Мақолада менинг дилмимдаги сўзлар айтилган. Ҳаттоки ўқувчиларимизнинг мулоҳазаларига кириб, чолғу асбоблари савдоси ўрганилиб, фабрика фаолиятидаги камчиликларини рўй-рост айтишга ҳаракат қилингани қувонарлидир. Аслида гинжак, рубоблар ўқиб ишлашни талаб қилган асбоблардир. Бунинг

ЧОЛГУЧИ ҲАҚ

Утган йили агитпоезд билан бир гуруҳ санъаткорлар ва ижодкорлар қаторида биз ҳам Қашқадарь об-ластининг районларида меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатдик. Турли оммавий тадбирлар уюштирдик. Биз билан бирга бадий ҳаваскорлик ансамбли ҳам бор эди. Усмон Юсупов раҳбар А. Автономов номидаги совхозда катта тадбир ташкил қилдик. Ансамбль куй ва қўшиқлар икки эътиётан эди, кўнгузчага билим эгилган эди, бундан илҳомланган чолғу, бутун ансамблининг музыка йўналишини бузиб қўйди. Бадий раҳбар «Наҳотки битта рубобнинг созини тўғрилаб юрмалсан?» — дея чолғучини ююди. Шўр-лук чолғучи «Рубобнинг қулоғи белгиланган жойда тур-маса нима қилай», дея зор-

Имомжон НУРИНОВ,
Тошкент Давлат маданият институтининг ўқитувчиси

ЖУМА
КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 10 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА

Орган союза писателей Узбекистана и Министерства культуры Узбекской ССР.

Бош редактор: ОДИЛ ЕКУБОВ

Редколлегия: Раҳим АХМЕДОВ, Рамз БОБОЖОН, Собир БОБОЕВ, Барот БОЯҚОБИЛОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Иброҳим ҒАҒУРОВ (бош редактор ўринбосари), Саъдулла КАРОМАТОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Назир САФАРБЕКОВ, Улмас УМАРБЕКОВ, Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул секретарь), Тўлепберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Лазиз ҚАЮМОВ, Малик ҚАЮМОВ, Сора ЭШОНТУРАЕВА.

РЕДАКЦИЈА АДРЕСИ: Тошкент — 700029, Ленин кўчаси 41.
ТЕЛЕФОНЛАР: Бош редактор — 33-52-81, 32-57-42, қабулхона — 32-54-71; бош редактор ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул секретарь — 33-49-93, 32-58-49; БУЙИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; таъриқ ва адабиётшунослик — 32-55-98; поэзия ва проза — 32-55-78; санъат — 32-56-48; сатра ва юмор — 32-56-49; фотолаборатория — 32-58-95.